

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№7 (14.103)

29 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА 2022 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24



ЯНГИ 2023 ЙИЛДА ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармонида 2023 йилда қўшимча дам олиш кунлари белгиланган бўлиб, унга кўра, барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар):

2 январь – душанба;
30 июнь – жума.

Олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун:

3 январь – сешанба;
20 март – душанба;
22 март – чоршанба;
24 апрель – душанба;
1 июль – шанба;
2 сентябрь – шанба;
30 декабрь – шанба.

Қайд этилишича, беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун дам олиш кунлари куйидаги тартибда кўчирилади:

7 январь – шанба кунидан
3 январь – сешанба кунига;

11 март – шанба кунидан
20 март – душанба кунига;

25 март – шанба кунидан
22 март – чоршанба кунига;

29 апрель – шанба кунидан
24 апрель – душанба кунига.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи «1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни» 2023 йилда якшанба – дам олиш кунига тўғри келганлиги муносабати билан ушбу дам олиш куни 2023 йил 2 октябрь – душанба кунига кўчирилади.

Alpomish muz saroyi


Юртимизда, жумладан пойтахтимизда кундан кунга янги бино иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Улар аҳолимизнинг кўнгилочар масканлари кўпайиб бориши баробарида пойтахтимизнинг жозибадор туристик масканга айланишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳримиздаги 50 йиллик тарихга эга «Юбилейний» спорт мажмуаси жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда қайта таъмирланиб, «Алпомиш» номи билан яна қад ростлади. Мазкур «Алпомиш» муз саройи кўплаб спорт мусобақалари ва бошқа бир қатор тадбирларни ўтказишга мўлжалланган.

Ушбу муз саройининг ҳудуди 8 минг квадрат метрга тенг бўлиб, 6 минг ўринга эга. Муз саройи ҳоккей ўйинлари, шорт-трек, фигурали учуш, кёрлинг каби спорт турлари бўйича бир қатор мусобақалар ва муз устида кўргазмалар намойишлар ўтказиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга пойтахтимиз меҳмонлари ҳам ташриф буюриб, мавжуд шароитлардан фойдаланиши мумкин.

«Алпомиш» муз саройига 5 ёшдан юқори бўлган болажонлар ҳам келиб машғулотларда иштирок этиши мумкин. Шунингдек, бу масканда турли кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурларини ҳам ташкил этиш учун имкониятлар мавжуд.



Парвоздаги "Олтин ХУМО"



1985 йилнинг 28 декабрида Париждаги "Grand Cafe"да илк кинонамоиш бўлган эди. Ушандан буён кино кўрамиз! Дунё майдонида "Оскар", "Бафта", "Канн", "Венеция", "Берлин" каби кинобайрамлар борки, ҳар бир киночиман деган ижодкор айнан ўша майдонларга интилади.

"Олтин Хумо" – ўзбек киносига янги давр! Эҳтимол, ҳали у жаҳон киносининг ёрқин тақдимига айланмагандир, аммо парвозини бошлаган. Илк бор 2019 йилда бошланган ушбу миллий кинотақдимот бу йил учинчи мартаба ўтказилди. Бу йил 17 номинацияда ғолиблар аниқланди.



Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси томонидан Киночилар уйида анъанавий "Олтин Хумо" миллий киномукофотининг тантанали маросими бўлиб ўтди. Аввал киноюлдузлар ва ижодкорлар анъанавий қизил йўлакчадан ўтишди.

Тадбир аввалида махсус видеоролик тақдим этилди. Сўнгра, бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов, Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси раиси Матёқуб Матчонов сўзга чиқишди. Барчани байрам билан муборакбод этишди.

"Олтин Хумо" ғолиблари

"Энг яхши ҳужжатли фильм" – "Матонат" фильми.

"Энг яхши анимацион фильм" – "Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат".

"Энг яхши компьютер графикаси" – "Абдулла Қодирий" фильми учун Давлат Арабшоев.

"Энг яхши овоз режиссёри" – "Муҳаббат баҳори" фильми учун Абдуқаҳҳор Каримов.

"Энг яхши грим рассоми" – "Муқимий" фильми учун Галина Иванова.

"Энг яхши монтаж иши" – "101 рейс" фильми учун Хуршид Алихўжаев.

"Энг яхши либос бўйича рассом иши" – "Муқимий" фильми учун Анастасия Сушук.

"Энг яхши рассом иши" – "Муқимий" фильми учун Алишер Умрзоқов.

"Энг яхши кино бастакори" – "Туткунлик" фильми учун Дмитрий Яновьяновский.

"Энг яхши сценарий" – "Ҳайрат" фильми учун Зулфиқор Мусоқов.

"Энг яхши операторлик иши" – "Ҳайрат" фильми учун Азизбек Арзиқулов.

"Энг яхши режиссёрлик иши" – "Ҳайрат" фильми учун Зулфиқор Мусоқов.

"Энг яхши аёл роли" – "Аёл қисмати" фильми учун Раъно Шодиева.

"Энг яхши эркак роли" – "101 рейс" фильми учун Ҳошим Арслонов.

"Томошабин меҳрини қозонган фильм" – "Барон 2. Соғинч".

"Энг яхши фильм" – "Аёл қисмати".



Ғолиблар ташкилотчилар томонидан "Олтин Хумо" статуэткаси ҳамда 25 миллион сўм мукофоти билан тақдирланди!

Бойсафар ҲОЛМИРЗАЕВ, Абдухамид МАНСУРОВ, тайёрлади



Депутат минбари

Гулбахор КУЛМАТОВА: “ДЕПУТАТ ИШОНЧГА ЛОЙИҚ БЎЛИШИ КЕРАК!”

Кулматова Гулбахор Баратовна — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ бўлими мутахассиси, Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

Сайлов — демократия мезони

Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкам белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар, ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз билдириш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан ифодаланади...” деб белгиланган. Туман кенгаши депутатлиги учун бўлиб ўтган сайловда фуқаролар ўзларининг Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда ўзлари лозим топган номзодга овоз бердилар. Ушбу жараён албатта, адолатли ва шаффоф тарзда ўтди. Сайловда халқимизнинг фаол қатнашиши уларда эртанги кунга бўлган ишонч ва фаровон юртимизнинг келажагига бефарқ эмасликларини билдиради деб ҳисоблайман. Фуқароларнинг сайловлар ва бошқа сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан биридир. Сайлов халқ ҳокимиятчилигининг тимсоли бўлиб, энг аввало ўзида жамият аъзоларининг, қолаверса, сайловчи — фуқаро манфаатини ифода этади. Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари амалга оширилаётган ислохотларда сайловларнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг ҳозирги босқичида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини эркин, қонуний ва адолатли сайловлар асосида шакллантирилиши демократик жараёнлар ва янгилинишларнинг иж-

тимоий ҳаётда олий кадрият сифатида ифода этилаётганлигининг эркин намунасидир.

Депутат халқ ва ижро ҳокимияти ўртасидаги кўприк

Фуқаролар депутатларга барча масалалар юзасидан мурожаат этишади. Муаммо ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун депутатларга сайёр қабуллар ташкил этилган. Фуқароларни сўров ва мурожаатлари асосида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун давлат томонидан маблағ ажратилади. Тегишли мутахассислар томонидан фуқаронинг аҳволи, яшаш шароити ўрганилиб, зарур маблағлар йўналтирилади. Ўйлайманки, бу механизм янада такомиллаштирилса, аҳолини қийнаб келаётган кўплаб ижтимоий масалалар ўз ечимини топади ва халқнинг давлат ва депутатга ишончи янада ортади. Йўналтирилаётган маблағларнинг айнан депутат орқали халққа етказилиши бу жуда тўғри жараён, деб ҳисоблайман. Чунки, депутат — халқ вакилидир, у ўз сайловчилари дардини яхшироқ ҳис этади. Депутатлик ўта масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифадир. У шу вазифасига сайланар экан, сайловчилар олдидаги масъулиятни доим ҳис қилиши ва аҳоли дарди, ташвиши билан яшаши, халқ билан ижро ҳокимияти ўртасида кўприк вазифасини ўтай олиши лозим. Депутат халқнинг ишонган вакили экан, демак ўзи ҳам ишончга муносиб бўлиши керак, деб ўйлайман.

Президент Мурожаатномасини тинглаб...

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини фахр ва ифтихор билан тингладим. Мурожаатномада жамиятимиздаги барча соҳалар қамраб олинган. Айниқса, инсон қадр ва фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳақидаги фикрларидан жуда таъсирландим. Келажакни ҳозир улғайиб, вояга етиб келаётган фарзандлар куради. Шундай экан, уларнинг билими, зеҳни ўткир бўлиши муҳимдир. Бунинг учун эса давлатимиз раҳбари барча имкониятларни яратиб бераёпти. Бугунги кун ёшларидан эса уларга берилаётган имкониятлардан унмлли фойдаланиб, илм олиб, юртимиз равақига эзгу амаллари билан ҳисса қўша оладиган замонавий кадрлар бўлиб етишиш талаб этилади.

Инсон ўзи севган касбида ишлаши керак

Вояга етаётган фарзандларнинг келажакда қайси соҳага меҳр қўйиши, ўзида-

ги иқтидорини тўғри йўналтириб, танлаган касбининг етук мутахассиси бўлиши кўп жиҳатдан ота-онанинг қўллаб-қувватлашига ҳам боғлиқ. Мен ўзаро ҳурмат-эътибор, бир-бирини тушуниш, эъозлаш каби сифатлар мужассам бўлган оилада вояга етганман. Болалигимдан юрист бўламан, дердим. Ҳозир ўйлаб қарасам, ёшлигимдан бугунги фаолиятимни қайсидир маънода идрок қилган эканман. ФХДЁ идораларидаги фаолиятим давомида оилаларнинг мустаҳкамлигига ҳисса қўшиш менга улкан гурур бахш этади. Деярли 30 йилдан бери ушбу соҳада фаолият юритар эканман, бу касб мантикий фикрлаш, яхши хотира, ҳалоллик, масъулият, ҳар бир ҳолатга тўғри баҳо бериш каби кўникмалар билан бир қаторда ҳаётий тажриба ҳам талаб этади. ФХДЁ идоралари фақат келин-куёв никоҳини қонуний қайд этиш билан шуғулланмайди. Аслида инсон ҳаёти давомида никоҳ, туғилиш, ажралиш ва ўлим каби қатор ҳаётий воқеалар билан тўқнашади. Энг муҳими, оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларда фаол иштирок этиб келаётганимдан фахрланаман. Фаолиятим давомида бир ҳақиқатга амин бўлдим: инсон ўзи севган соҳада ишлаши керак. Ёқтирган иши билан шуғулланган инсонлар чарчашмайди. Улар касбига бор меҳри, эътибори ва тажрибасини бахшида этишади. Шундай инсонлар сафида эканлигим менга доим куч беради.

Йил сарҳисоби

Йил якунида ҳар бир инсон амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиб, Янги йилга янги режалар тузади. Қисқа умримизда барча ишларга улгуришимиз керак, деб ўйлайман. Сарҳисобга келадиган бўлсак, кўп ишлар амалга оширилди. Маҳалланинг “Темир дафтари”га киритилган фуқаролар билан мунтазам ишлаш натижасида ушбу дафтардан чиқарилганлар ҳам бўлди. Аҳоли бандлигини таъминлашда қатор ишларни амалга оширдик. Халқимиз, хусусан аёллар саломатлигини тиклаш, уларни жамиятимизда ўз ўрнига эга шахс сифатида шаклланишида ҳам салмоқли ишларни бажардик. Давлатимиз томонидан фуқароларга берилаётган ҳар қандай кўмаклардан бизнинг ҳудуд фуқаролари ҳам баҳраманд бўлишди.

Хулоса ўрнида

Ўзим ҳар кун 7-8 варақ бўлса ҳам китоб ўқишни одат қилганман. Газеталарда бериладиган қизиқарли мақолалар билан ҳам мунтазам равишда танишиб бораман. Мунтазам севадиган “Тошкент оқшом” газетаси муштарийлари ва таҳририят жамоасига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдириб қоламан. Яқунланаётган 2022 йилда амалга оширган хайрли ишларингиз Янги йилда ҳам бардавом бўлсин. Янги йил янги орзулар, янги умидлар, янги мақсадлар ва албатта янги зафарлар олиб келсин!

Умида
ҲАҚБЕРДИЕВА
тайёрлади



Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаши керак. Виждонига хилоф иш қилмай яшаса – бундан улуг бахт йўқ. Ҳар бир айтган сўзинг, ишинг ўзининг хоҳишингга мувофиқ бўлса – энг катта бахт шу. Аксинча, инсоннинг ўз ички интилишлари, қалби, эътиқоти, сўзи билан иши ўртасида зиддият пайдо бўлса, виждони буюрганини қилолмаса, бу – инсон учун жуда катта бахтсизликдир.

Бахт шундай нарсаки, борлигида уни киши сезмайди, йўқлигида орзу қилади. Бахтли одам «мен бахтлиман» деб оламга жар солмайди. Инсон ҳеч қачон бахтга тўйган, бахтим етарли, деган эмас.

Аслида, ҳаётда бирор мақсад билан яшашнинг ўзи – бахт. Мақсадсиз яшаиш шундай кўрғиликки, у ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Кишида мақсад бўлса, унга эришиши йўлида курашиши, машаққат чекиши, таъна-дашномлар эшитиб қуйиб-ёниб юриши ҳам – бахт.

Тогнинг улуглигини тасаввур қилмоқ учун ундан узоқлашиши керак бўлганидек, буюқ тарихий воқеаларнинг ҳайбатини ростмана ҳис этиши учун маълум вақт масофаси лозим бўлади. Ҳозиржавоблик адибнинг яхши фазилати. Лекин у адабиётнинг белгиловчи шартти эмас. Замонавийликнинг ўзи ҳам бу кунги ҳаётимизни акс эттиришигина бўлмай, замонамизга муносиб бадииятни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчи учун авторнинг ёши қариси, унвонли, унвонсизли йўқ. У ҳамиша ёзилган сатрларга қараб муаллифга ўз муносабатини билдиради: ё қалбига жсо қилади, ё унутади, йўқликка маҳқум этади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНИ

Шерали Жўраев,

Ўзбекистон халқ артисти:

– Мени элга танитган “Ўзбегим”, “Инсон”, “Кема”, “Бу кўллардир”, “Дўст билан обод уйинг”, “Гулнорини ўп”, “Ишқ истилоси”, “Етолмай қоматим ёдур”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат” каби йигирмадан ортиқ кўшиқларимнинг муаллифи айнан Эркин Воҳидовдир. Албатта, ушбу ашулаларнинг ўз яралиш тарихи бор...

“Ўзбегим”нинг тарихи эса алоҳида бир ҳикоя...

1968 йил... Иккинчи курс талабаси эдим. Бир танишимиз тўй қилаётган эди. Шу тўй баҳона Эркин аканинг маҳалласига бориб қолибмиз. Кечки пайт. Биз ашулани айтиб жойимизга ўтирганимиздан сўнг бир киши ўрниларидан турдилар-да: “Бизнинг кўшнимиз, ёш шоиримиз бир шеър ёзганлар, ҳозир шуни сизларга ўқиб бераман”, дедилар. Кейин билсам, улар кўшнилари бўлиб, врач эканлар. Улар Эркин аканинг янги ёзилган “Ўзбегим” шеърини ўқиб бердилар. Шеърни эшитгач, мен уларнинг ёнларига бордим-да: “Акажон, илтимос, шу шеърни менга ёзиб беринг”, дедим. Улар эса: “Укажон, имконим йўқ. Чунки бу шеър ҳали цензурадан ўтгани йўқ. Бирон китоб ёки журнал, газетада ҳам эълон қилинмаган. Яқинда ёзилган, руҳсатсиз беролмайман”, деб жавоб бердилар. Мен эса: “Акажон, мен буни кўшиқ қилмайман. Жуда катта шеър экан”, дея баҳона қилган бўлдим. Ака унамадилар. “Йўқ, йўқ, ука, қоғоз йўқ, кўйсангиз-чи”, дедилар. Мен эса уларга: “Мана, қоғоз”, деб айтдим. У вақтларда нон соладиган сариқ халта қоғозни ёйиб, тўйларда узун тахта стол устига қопланарди. Кейин каноп ип билан боғланарди-да, устидан дастурхон тўшаларди. “Шундаям беролмайсизми?”, дея бу сафар қаттиқроқ оҳангда сўрадим. Ака, қарадиларки, ният қатъий. Кейин эса: “Майли, кўймадингиз, кўймадингиз”, дея ўша столга ёзилган қоғоз бўлагига шеърни ёзиб бердилар.

Мен шеърни олдиму студентлар шаҳарчасига бориб, ётоқхонадаги кўқонлик болалардан рубобини сўраб олдим. Соат тунги ўн иккилар эди... Шеърни эрталабгача ёдлаб, унинг мусикасини ҳам басталаб кўйдим. Кейин эрталаб шерикларга чой ичаётган вақтда хиргойи қилиб бердим...

Орадан уч-тўрт кун ўтди... Чиғатой мазорининг нариги томонида бизнинг бир дўстимиз турарди. У: “Бир дўстимникида тўй. Уйларида ош беряпти. Шункига бориб, битта ашула айтиб беринг”, деди. Мен: “Майли”, дедим. Кўшиқни яратганимга эндигина уч кун бўлганди...

Тўйга борсак, кичикина ҳовлида ош берияпти. Бир ҳофиз сочлари узун, баклари чаккасига тушган. Кўшиқ айтяпти. У ашуласини тугатгач, дўстим мени таништириб, “шу киши ҳам бир дона ашула айтсин”, деб илтимос қилди.

Ҳофиз ва доирачи менга назар ташлади-да, нигоҳида: “Сен ниманиям айтардинг”, дегандай бўлди. Ҳофиз огринибгина менга торини узатаркан: “Илтимос, торни узиб юборманг”, деди.

Доирачи эса ёнимда доира чалишни эп кўрмади шекилли аста нари кетиб қолди. Мен эса давранинг қоқ ўртасида ҳайрон бўлиб турибман. Бир маҳал ўртада даврани бошқариб турган одам менга парво ҳам қилмади-да: “Узатавер ошни, бўл!”, деди ёрдамчиларига. Етмагандай икки-уч одам сен кимсан ҳам демай у ёқдан бу ёққа мени туртиб ўтиб кетяпти. Мен аста ўзимни кўлга олдим, аксига олиб, микрофон ҳам йўқ. Демак, энг баланд пардадан айтаман, дедим-да бир нафас олиб, “Тарихингдир!” дея наъра тортдим...

Шу вақт йўлда кетаётганлар тўхтаб, ортига қайрилиб қараб қолди. Ош узатаётганлар кўлида оши билан ён тарафига ўгирилди. Баланд овозим кичик ҳовлидаги деворга урилиб, янада жаранглаб чиқаётган эди. Билдимки, одамларнинг нигоҳи ва эътиборини ўзимга қаратдим.

Энди юракдан қуйлаш керак. Шундай бўлди. Ашула айтаётган вақтимда атроф жим-жит бўлиб қолди...

Мен ўзимни шундай ҳис қилардимки, оёқларим ерга тегмас эди. Мени қандайдир бир куч юқорига, баландга кўтариб турарди. Юракдан, астойдил қуйлашга ундарди, илҳом бағишларди. Шунда ўзимга ўзим дедимки: “Бу ерда бутун Ўрта Осиёдаги азиз авлиёларнинг руҳи поклари жам бўлиб турган экан. Уларнинг барчаси шу “Ўзбегим”нинг ичида экан...”

Ашула тугагандан сўнг барча бирваракайига “Воҳ!” деб юборди. Шундан кейингина қани йўлни оч, даврага чиқсин ҳофиз, деган талаблар туша бошлади... Шу тариқа Эркин акам билан жўшқин ижодга шўнгидик.



Иброҳим Гафуров,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Эркин Воҳидов ниҳоятда шуурли инсон эди. Шуур ҳаётининг сўнги дамларигача уни тарк этмади. Инсоний шуур ижтимоий шуурга айланди. Унинг шуури шеърини шуур билан ҳеч ажралмас бўлиб тутатиб кетди. Унинг бутун қизиқишлари, интилишлари, афзал кўрган нарсаларни қадрлаш принциплари акс этган китобларидан бирининг номини ҳам у “Шуур” деб атаганди. Эркин Воҳидов умри давомида кўп вазифаларда жон-дилдан берилиб меҳнат қилди. Мустақилликка бор иқтидори ва муҳаббатини бағишлади. Она тилининг гўзаллиги, тозаллиги учун курашди. Доимо бир зум тинмай халқ билан озодлик ва муносиб яшаш учун мулоқотлар олиб борди. У жамоат ишини ўзига доим яқин оларди.

Эркин Воҳидов ўз асарларига ўхшайди. Ўз асарлари каби тоза эди. Унинг барча иборалари, шеърини жумлалари маъноларга тўла.

Маъно суратлари билан музайян. Улар юлдуз шуълаларидай инсонлар кўзларини яшнатиб туради ва ҳаётнинг сир-синаотли суратларидан дарак беради. У мумтоз маънода ҳам, замонавий маънода ҳам адаб тажассуми эди.

Мохира Воҳидова, шоирнинг қизи:

– Кўпчилик мени дадангизга ўхшар экансиз, дейишса хурсанд бўлиб кетаман. Лекин афсус, фақат ташқи қиёфам ўхшайди. Болалигимда адамга ўхшаб ақлли, билимдон бўлиб қоламан деб бош кийимларини кийиб олардим, ёки бошимни бошларига узок кўйиб ўтирар эдим. Адажоним кулиб, қўллари билан бошимни силаб: “Қизалоғим, ақиллигим, кўп ўқигин, билим олишдан чарчамагин”, дердилар. Мактабда ўқиб юрган кезлар олий ўқув юртларига имтихонларга тайёрланиб ўтирсам, ёнимга келиб: “Тушунмаганларинг бўлса сўрагин”, деб шундай осон, жўн қилиб гапириб берардилар. Ва хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, адажоним тушунтириш берган мавзу ёки шунга ўхшаш саволлар тушарди.

Мен отамни ҳар томонлама етук, комил инсон деб баралла айта оламан. Дунёга келиб, то сўнгги нафасларигача халқим, элим, она тилим, деб ёниб яшадилар. Мен шундай буюк, меҳридарё, олийжаноб инсоннинг фарзанди эканимдан авваламбор Яратганга беҳисоб шукрлар қиламан.



Мени эркалаб “Монта қизим”, дердилар. “Монта қизим келдингми?” деб бағирларига босиб, бошимдан силаб кутиб олар эдилар адажоним. “Ҳаётингдан хурсандмисан? Яйраб-яшнаб, оламини яшнатиб яшанглар”, дердилар. Энди уйга борсак, дарвозамизга ўрнатилган хотира ёрлиғига қараб: “Ассалому алайкум адажон, монта қизингиз келди”, деб онажонимнинг, отамнинг гуллари (онамни Гулим дердилар) томон кириб кетаман. 50 йилдан ортиқ гўзал ва мазмунли ҳаёт кечиришди. Мен отамнинг севги, муҳаббат ҳақидаги барча шеърларини онажонимга аталган деб биламан.

Хуршид Даврон, Ўзбекистон халқ шоири

– 1992 йилнинг баҳорида Туркияга бордик. Эркин аканинг ташрифини эшитган ҳижратдаги ватандошларимиз биз турган меҳмонхонага ёпирилиб келишди. Йиллар давомида она юртдан жудо яшаган бу инсонлар Ватанни соғинганда “Ўзбегим”ни ўқиб, овунганларини, бўзлаб йиғлаганларини айтдилар.

“Қопали Чорсу” бозорида бир гуруҳ ватандошлар бизни ўраб олишди. Улардан бири қўймасдан ўзининг тилла безаклар дўконига бошлаб борди. Кейин Эркин акага қараб: “Дўконга иккалангиз кириб, хоҳлаган нарсангизни оласиз! Хоҳлаганча оласиз!”, деб туриб олди. “Афғонистонда, болалигимдан “Ўзбегим” кўшигини эшитиб, улғайганман, кейин ҳам Нью-Йоркда қора ишларда машаққат чекканимдаям ҳар куни шеърингизни такрорлаб-такрорлаб, катта бўлганман. Бу шеърингиз баҳоси дўконимдаги бор тилла баҳосидан баланд”, деб ялинади кўзида ёш билан. Эркин ака йигитни маҳкам бағрига босди. “Қайтишда дўконингизга келиб, гапингизни ерда қолдирмай, сиз айтган ишни қиламиз”, деди. Қайтишда эса, кирмадик...

Эркин Воҳидов дунёдан зулматни қувган буюк шоирлар сафида ўзбек чироғини баланд кўтарган зиёкордир...



Анвар Обиджон, Ўзбекистон халқ шоири:

Хаваскорга хавас

Эркин аканинг Нозимахон, Моҳирахон, Фозилахон деган қизлари бор. Хуршидбек – биттаю битта ўғил. Тошкентда эндигина иш бошлаган пайтларим устозни зиёратлаб борганимда, у киши астойдил таклиф қилиб, деди:

– Хуршидбек ўғлим учта қизнинг орасида зеркиброқ қоляпти. То уй олгунингизча, унга шерик бўлиб, бизникида яшаб турсангиз-чи. Гулчехра опангиз билан маслаҳатлашдик, болохонани тугалай сизларга берамиз.

Ўта машҳур инсон ўзини менга шу қадар яқин тутаётганидан жуда қувониб кетган бўлсам-да, бирон-бир ножўя қилигим билан бирдамас-бирда ғашини келтириб қўйишдан чўчиб, ҳозирда ёлғизқўл кампирникида яшаб, унга дастёрлик қилиб юрибман, қолаверса, шароит шунақанги тинчки, одамнинг ёзган сари ёзгиси келади, дедим.

Эркин ака буни эшитиб, елкамга қўл босганча, жиддий қиёфада илтижоланди:

– Жон Анваржон, ўша кампирникидан менга битта хона топиб беринг!

Ҳозиржавоблик

Устознинг бир китобига дастхат ёздирсам, ширин тилаклар битиб, одатдагидек, “Э ВОХ” деб имзо чекди.

– Агар, “Э В” деб қўл қўйсангиз, янаям бошқача бўларкан, – дея ҳазиломуз гап юмалатдим. – “Э В”ни ўзимизча ёймаласак, “Эл Виждони” деган маъно чиқади.

Эркин ака бу лутфдан завқланиб жилмайиш баҳонасида, бирикки секунд ўйланиб олган бўлдию, дарҳол жавоб қайтарди:

– Мундоқ қараганда, сизникиям чакимас – А О! Бу – алоҳидаликни билдирадиган “Автоном Округ” дегани.

Бошқотирма

Пишиқчилик маҳали эди. Эркин ака ва турмуш ўртоғи Гулчехра опа билан олис сайлга чиқдик. Қўқонда, Марғилонда бўлиб, охири Олтиариққа бордик.

Олтиариқлик раҳбарлар бу ташрифдан хабар топиб, тезда учрашув уюштиришди. Учрашувни тугатиб ташқарига чиқганимизда, “чапаки тирикчилик”ка устамон

бир кимса картон қутига хорижий фирма тамғаси босилган, ўша пайтда беҳад танқис саналган нарсани машинамиз юкхонасига тикаётимиз, “бу мендан сизга совға, ака-хоним”, дея Эркин акага укашонланиб илжайди.

Ҳар хил нусхаларга тили қисик бўлишни хушламайдиган устоз ўша дамда индамай қўяқолган эсада, бир пиёла чой ичиш учун бизникига кирганимизда, мени ёнига чақириб, деди:

– Бояги одамнинг совғасини тезда уйга ташлаб келинг. Эркин акамнинг сизга бошқа бир илтимоси бор экан, кейинроқ айтаркан, – деб кўнглини тинчитинг.

– У анча эзма одам, шоиримизнинг қанақа илтимоси бўлсайкин, деб суриштиришга тушса-чи, дедим, устоз маънодор жилмайди:

– Эркин акамга битта паровоз олиб бераркансиз, денг. Ўлгунича боши қотиб юраверсин.

Сўнг иягини баландлатиб, тебрана-тебрана кула кетди. Беҳад чиройли эди бу кулгу.

Миллий гурур

Қўқонда ўтган бир адабий учрашувда маҳаллий шоир Анвар Юнусов: “Эркин ака, Арманистонга борганингизда, республика чемпиони бўлган шахматчини қанақа қилиб ютгансиз?” деб сўраб қолди.

Устознинг жавоби жуда оддий бўлди:

– Фирт ўзбекча қилиб ютганман!



Фурсатинг

*Фурсатинг етмайди доим,
Ҳеч қачон етган эмас.
Меҳнатинг битмайди доим,
Ҳеч қачон битган эмас.*

*Чун замондек бепоёндир,
Кўксинг ичра орзу.
Фурсату орзунни қушлаб,
Ҳеч киши етган эмас.*

*Интилар борлиқни инсон,
Баркамол этмоқ учун.
Не ажаб, инсонни борлиқ,
Баркамол этган эмас.*

*Менда на борлиқ хаёли,
Менда на йўқликқа ғам.
Манглайимга чунки шеърдан,
Ўзга зар битган эмас.*

*Вақт келар, меҳнат битар,
Бўлғуси вақт ҳам бемалол.
Чунки у дунёга ҳеч ким,
Иш олиб кетган эмас.*



ЮЛДУЗЛИ ЯНГИ ЙИЛ

**Элёр Носиров,
Ўзбекистон халқ артисти:**

Мен учун ҳар Янги йил эсда қоларли бўлган. Чунки оила даврасида, оралида камчилик бўлмаган ҳолда байрам нишонлашни ўзи бахт, ўзига хос воқеа. Ҳар йили байрамни набиралар билан бирга нишонлайман. Улар ҳам улғайиб қолишди. Бу йил ўтган йиллардагига қараганда бошқачароқ бўладигандек. Нима бўлганда ҳам, аввало оиламиз, юртимиз тинч бўлсин. Дунёда бўлаётган воқеаларни кўриб бу улғу неъматнинг қадрига янада кўпроқ етиямиз. Қисқа умримизни яхшилик, эзгуликларга тула ҳолда ўтказайлик.

**Раъно Ярашева,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

2022 йил мен учун энг омадли ва эсда қоларли йил бўлди. Анча вақтдан буён бувижонимнинг ҳаётини китоб қилиб чиқариш ниятим бор эди. Яқинда ушбу китобим "Меҳр Нигор" номи билан нашрдан чиқди. Бундан ташқари, биз қорақалпоқ санъаткорлари билан биргаликда "Ўжарлар" спектаклини саҳналаштирдик. Бу спектаклнинг алоҳида жиҳати шундаки, қорақалпоқ санъаткорлари билан биргаликда, бир вақтда, битта саҳнада, 2 тилда роль ижро этдик. Бизга таржумон керак эмас, чунки биз бир-биримизни жуда яхши тушунамиз. Бизнинг қилган меҳнатларимиз учун "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони берилди. Бундай эътибордан жуда хурсанд бўлдик.

Ҳар бир инсоннинг самимий ниятлари бор. Мана шу ниятлар рўёбга чиқсин. Ўзбеким байроғи, спортда бўладими, санъатда бўладими, илм-фанда бўладими, қайси соҳада бўлса ҳам, дунё арелаларининг энг баландида бўлишини чин юрагимдан тилайман.

**Нодира Маҳмудова,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

Одатда турмуш ўртоғим ва фарзандим билан Янги йилни кутиб олардим. 2021 йили оиламиз кенгайди, келин туширдик. 2023 йилги байрамни эса жамағат набиралар билан нишонлаймиз. Охириги икки йил мен учун энг яхши йиллардан бўлди. Халқимизга ҳам ҳар байрамда шундай қувончлар ҳамроҳ бўлсин. Келаётган йилда ҳар ким ўз орзусига етиб, ушналмаган орзулари амалга ошсин. Ўзи ёқтирган жамоада қадр топиб, эъозланиб, юришсин.

Асосийси энг улғу неъмат тинчлигимиз абадий бўлсин!

**Бехзод Муҳаммадкаримов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

2000 йиллар кинога эътибор сусайган пайтлар эди. Шу сабаб билан бир неча йил Америка Қўшма Штатларида яшашимга тўғри келган. 2007 йил 31 декабрь Америкада ўтказган кечам ҳамон ёдимда. Байрамни ёлғиз ўзим кутиб олганман. Дўстларим бошқа штатларда яшар эди. Қолган барча Янги йил кечаларини оилам, дўстларим даврасида кутиб оламан. Халқимизга ҳам байрамни энг яқин инсонлари билан кутиб олишини тилаган ҳолда, келаётган йил энг омадли, сермахсул йиллардан бўлишини, ўзлари кутмаган тарафдан қувонч, бахт ёғилшини чин дилдан истаб қоламан.



Дилноза Кубаева,

“Шухрат” медали ва “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳибаси, актриса:

— Янги йилни ўз анъанамизга кўра ҳар йил оилавий кутиб оламиз. Бу байрамни элаганимда ҳаммиси эркин хотиралар ёдимга тушади. Болалик пайтларим эди. Байрам куни барча яқинлар, қариндошлар байрамни катта отамизнинг хонадониде нишонлар эдик. Шу хонадонда ўтадиган байрам кечалардан бирида жуда кўп набиралар йиғилдик, шовқинимиз хонани бузиб юборай дерди. Бегзод исмли акамиз Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганида барча болаларни бир жойга йиғиб, эркалаб, ширинликларга тўла қутилларни улашган. Биз болалар учун бу жуда катта хурсандчилик эди. Айнан шу хурсандчиликни ҳис қилган бола сифатида мен ҳам ҳозир фарзандим, жиянларим учун ҳар байрамда совгалар улашишни одат қилганман. Асосан, боланинг ақлий ривожланиши учун хизмат қиладиган совгаларни танлайман. Аввало ҳар бир юртдошимизни азиз боини омон бўлсин. Хонадонларимизда меҳр-оқибат, халоват, тинчлик бўлсин. Янги йилда ажримлар камайиб, оилалар тинч-тотув ҳаёт кечиринсин. Оила мустаҳкам бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

Самандар Ҳамроқулов,
актёр, хонанда, бошловчи:

— Янги йил энг сеvimли байрамларимдан бири. Бу байрамни ҳар доим уйда, оила давраcида кутишига ҳаракат қиламан. Шу пайтгача Янги йилни кўчада кутиб олишига тўғри келган. Лекин, 2019 йилда Қорақалтоғистон Республикаси Мўйноқ туманига ташириф буюриб, саксовул ёқишида иштирок этган 5 мингга яқин одамлар учун айнан, 31 декабрь кечасида концерт дастурини ташиқил қилганмиз. Улар айнан байрам кечасида шу юрт ободлиги учун хизмат қилаётганда, биз нима учун санъаткор сифатида уларга хизмат қилмаслигимиз керак. 2023 йил ҳамма учун бахт, омад, муваффақият йили бўлсин. Ҳар бир инсон ўз устида ишлашдан, шахсий ривожланишдан тўхтамасин. “Тошкент оқишми”га ҳам омад ёр бўлсин! Ҳар оқишом халқимизни хурсанд қилаверсин. Шу газетада фаолият юритаётган ҳар бир ходимга оилавий хотиржамлик, бахт ва қувонч тилаб қоламан.



Зухра Солиева,
актриса:

— Бу йил Янги йилни агар билетим тайёр бўлса, Москва шаҳрида кутиши ниятидаман. Агар ўхшамаса, жисгарларим ва оилам даврасида нишонлайман. Мен учун энг эсда қоларли Янги йил байрамлари раҳматли дадам ҳаёт бўлган вақтларда эди. Эсимда, дадам олиб келган катта арча атрофида шеърлар айтиб, Қорбобони кутиб ўтирардик. Дадам совгалар олиб келарди. Шу энг эсда қоларли Янги йил бўлган. 2022 йил Зухра Солиева Янги Ўзбекистонда янги Зухра Солиева бўлди. Соғлигини тиклади, ўзига эътиборни кучайтирди. Янги 2023 йил энг катта мақсадларимдан бири соғ-саломат бўлиши, соғлигим менинг энг катта бойлигим эканлигини англаб етдим.

Юртимиз тинч бўлсин, инсонлар меҳр-оқибатли бўлишсин. Бизга меҳр берадиган инсонларнинг қадрига етайлик. Барча инсонлар соғ-саломат бўлишсин. Ўйлаган барча ниятларига етишсин.



Наргиза Абдуллаева,
актриса:

— 2022 йил мен учун жуда ҳам омадли йил бўлди. Ўзим истаганимдан ҳам зиёда бўлди, десам бўлади. Пинҳона орзуларимга эришдим.

Ҳар бир Янги йил ўзгача. Мен учун Янги йилга соғ-омон етиб келишимизнинг ўзи бир байрам. Уни соғ-омон ўтказишимизнинг ўзи яна бир байрам. Мен учун энг муҳими байрамни оилам даврасида кутиб олиши. 2023 йилда авваламбор, барчамизнинг оиламиз тинч бўлсин. Инсоннинг оиласи тинч бўлса, қалби хотиржам бўлади. Шунинг учун мен фақат тинчлик ва соғлиқ тилаб қоламан. Энг асосийси, юртимиз тинч бўлсин!



Оқшом табассуми

ЯНГИ ЙИЛ ҲАЖВИЯЛАРИ

Болакайдан сўрашибди:

- Сенга Янги йилга нима совға қилай?
- Бола ўйланиб туриб:
- Билмайман, лекин иккита бўлсин!!!

Болалигимда:

- «Ура-а-а, яқинда Янги йил байрами бўлади!!!»
- Ҳозир:
- «Уф-ф-ф яна Янги йил байрами...»

Янги йил байрамида соат 24:00га бонг ураётса, бир эркак ният қилибди:

- Шу йили соҳибжамол, чиройда тенгсиз қизлар билан танишиб олай...
- Хўш, танишибдим чиройли қизлар билан?
- Ҳа, албатта! Хотини яна иккита эгизак қизалоқларни туғиб берибди.

Уч оғайни суҳбатлашиб қолишибди.

Биринчиси:

- Мен ўтган йили Янги йилни Гавай оролларида кутиб олгандим. Иккинчиси:
- Мен эса, океан тубида кутиб олганман. Ажойиб бўлганди...

Учинчиси:

- Иккаловинг ҳам мен билан чойхонада кутиб олгансан! Камроқ ичиш керак эди!

Талабалар қаттиққўл ўқитувчисига Янги йилга совға беришмоқчи:

- Домлажон, сизга нима совға қилсак бўлади?
- Менга ҳеч нарса керакмас!
- Айтақолинг, бирор орзуингиз бордир ахир...
- Ягона орзуим, сизлар мени талабам бўлганингизни ҳеч ким билмасин!

Янги йилда йигитининг олдига кетаётган қиз «Қорқиз бўлиб бораман», деб магазинга кирибди.

- Қорқизнинг кийими қанча туради?
- 500 минг.
- Қиммат экан. «Золушканинг» кийими қанча туради?
- 800 минг.
- Қиммат экан, анув ялмоғиз кампир кийими қанча туради?
- У кийим эмас, ойна.

Қорбобога хат:

- Салом қари тўнка. Мен сени неча йилдан бери ҳар Янги йил оқшомида кутардим. Мана бу йил ҳам кутдим, келмадинг. Энди сенга умуман ишонмайман. Ҳурмат билан: Палончи, 47 ёш.

Чукча ўртоғига мақтаняпти:

- Севгимга аталган совгани арча остига қўйиб қўйдим, бу ҳақда ўзига айтдим!
- Хўш, у хурсанд бўлгандир?
- Билмадим, у ҳозирча ўша арчани излаяпти. Ахир, ўрмонимиз катта-ку!

Икки актёр Янги йил арафасида Қорбобо бўлиб уйларида борадиган бўлибди. Улардан бири шеригига дейди:

- Илтимос, бизникига ўзинг кириб, болаларни табриклар ўт!
- Ўзинг кирсанг ҳам бўлади-ку, гримда сени таниб бўлмай қолди.
- Э, мен қиммат оламан-да!

1 январь тонгида шаҳар касалхонасида врач палатага кириб, касалларни кўздан кечирмоқда:

- Иванов шу ердами?
- Ҳа, шу ердаман!
- Фамилиянгиз?

Икки иримчи аёл суҳбатидан:

- Тасаввур қиласанми, бу сафар Янги йил душанбага тўғри келаркан.
- Вой, оғир кун-ку!
- Ана холос! Ишқилиб, 13-санага тўғри келиб қолмасин-да!

ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА
БИЗ БИЛГАН ВА
БИЛМАГАН ФАКТЛАР

• Микронезияда Янги йил одатдагидек 1 январда кутиб олинади. Оролдаги барча одамлар Янги йил куни ўзи учун янги исм ўйлаб топади ва бу ҳақда яқинларининг қулоғига шипшитади. Қариндошларнинг бир қисми эса янги исми ёвуз руҳлар эшитиб қолмаслиги учун бор кучи билан дўмбира чалиб туради.

• Бразилияда Янги йилнинг асосий таоми ясимқдан тайёрланган шўрва ҳисобланади. Айтишларича, ясимқ бахт ва бойлик келтиради.

• Австрияда каклик "Бахт куши" сифатида қадрланади. Шунинг учун Янги йил дастурхонига какликнинг гўшти тортилмайди.

• Германияда Санта Клаус болаларга совгани дераза тоқчасига ташлаб кетади. Швецияда эса Қорбобо туҳфаси печканинг ичида қолдирилади.

• Африка давлатларида деярли қиш бўлмагани ва қор ёлмаганлиги сабабли, улар Қорбобого турлича номлар қўйишган. Масалан, Камбоджада Қорбобони Иссиқ бобо деб аташади.

• Скандинавияда Янги йил дастурхонига гурчли бўтқа тортилади. Бўтқанинг ичига эса бир дона бодом яширилади. Уларнинг фикрича, бодом кимга насиб этса, ўша одам йил бўйи бахтли ва бой яшайди.

• Қадимда Қорбобо ҳеч кимга совға улашмаган. Аксинча, одамлар Қорбобого совғалар ҳадя этган.

• Ҳар йили америкаликларнинг 45 фоизи Янги йилда вазн йўқотиш, тартибли бўлиш, пулни кўпроқ тежаш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва чекишни ташлаш борасида қарорлар қабул қилади. Лекин, уларнинг 25 фоизи январь ойининг иккинчи ҳафтасидаёқ ўз қарорларига риоя қилолмай, воз кечишади.

• Европада Янги йилни оила ва яқинлар билан кутиб олиниши керак деб ҳисобланади. Европаликларнинг фикрича, Янги йилда биринчи марта дуч келган одамлари кейинги 12 ой давомида уларнинг ёнида бўлади.

• Дания аҳолиси Янги йил куни идишларни қўшниларининг оstonасига улоқтиришади. Кимнинг оstonасига энг кўп идиш улоқтирилса, у Янги йилда шунча дўст орттиради.

• Испанияда 31 декабрь куни ярим тунда 12 та узум ейиш одати бор. Испанлар узум тановул қилаётган пайтида ўз истакларини билдиради. Бу аъна янги йилнинг 12 ойи давомида омадга эришиш рамзи саналади. Испанларнинг бу урф-одати 1895 йилда ўйлаб топилган.

• Янги йил куни Япониядаги Будда ибодатхоналарида 108 марта кўнғирок чалинади. Японлар ушбу маросимни Тошигами номи билан танилган Янги йил Худосини кутиб олиш учун ўтказишади. Шунингдек, японлар Янги йилда узун лағмон ейишади. Бу узоқ умр кўришни англатади.

• Қадимги Юнонистонда байрам куни эшикларга аччиқ пиёзлар осиб қўйилган. Бу келатган йилда болалар ёмонликлардан ҳоли бўлиши учун амалга оширилган.

• Голландияда катта-катта майдонларда омма йиғилиб безатилган Янги йил арчасини ёқиб юборишади. Бу эски йил сарқитларидан кутулишнинг белгиси экан.

• Хитойда Янги йил санаси ўзгариб туради. Бу байрам 21 январь ва 20 февраль оралиғидаги саналардан бирида нишонланади. Ҳар йилги байрам куни Хитой ой тақвими билан белгиланади.

Сирожддин
НАЖМИДДИНОВ
тайёрлади

